

**БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ЖАНГЧИЛАР**

УЧУН ҚОНУНЧИЛИҚДА  
БЕЛГИЛАНГАН КАФОЛАТ ВА  
ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА

**ЭСЛАТМА**





Байналмилалчи жангчилар  
учун қонунчиликда  
белгиланган кафолат ва  
имтиёзлар тўғрисида  
ЭСЛАТМА

“Байналмилалчи жангчилар учун қонунчиликда белгиланган кафолат ва имтиёзлар тўғрисида эслатма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 23 бет.

Мазкур услубий қўлланма ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда ўз байналмилал бурчларини адо этган, тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибида иштирок этган ҳарбий хизматчилар учун қонунчиликда белгиланган кафолат ва имтиёзларни билиши, мазкур шахслар томонидан белгиланган кафолат ва имтиёзлардан кундалик ҳаётда фойдаланиш ва қўллаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади ва ундан фойдаланиш бепул ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

**Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

## МУНДАРИЖА

1.	Байналмилалчи жангчилар – уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар ҳисобланиши	–	4
2.	Байналмилалчи жангчиларнинг пенсия тайинланишидаги имтиёзлари	–	5-6
3.	Шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи	–	7-8
4.	Темир йўлларда чегирмалар билан (бориш ва келишга) юриш ҳуқуқига эга	–	9-10
5.	Байналмилалчи жангчиларунинг мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўлашдаги имтиёзлари	–	11
6.	Уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар берилиши юзасидан имтиёзлар	–	12-13
7.	Байналмилалчи жангчиларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги имтиёзлари	–	14-18
8.	Байналмилалчи жангчилар уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлашдаги имтиёзлар	–	19
9.	Меҳнат қонунчилигига мувофиқ берилган имтиёзлар	–	20
10.	Солиқ қонунчилигига мувофиқ берилган имтиёзлар	-	21
11.	фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	–	22-23



**Байналмилалчи жангчилар** – уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар ҳисобланади.

### **ҚҲЙИДАГИЛАР УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ТЕНГЛАШТИРИЛАДИЛАР:**

➔ 1941 йилнинг 22 июнидан 1954 йилнинг 31 декабригача бўлган даврда қирувчи батальонлар, взводлар ва халқни ҳимоя қилувчи отрядлар таркибида собиқ СССР ҳудудида жанговар ҳаракатларда иштирок этган, партизан отрядлари ва қўшилмаларида ёки яширин ишларда бўлган шахслар

➔ 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида темир йўлларнинг фронт яқинидаги участкаларида, муҳофаа чизиғи иншоотларида ишлаган, ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ҳамда ҳарбий ҳаракатлар кетаётган жойлардаги бошқа ҳарбий объектлар қурилиши ишларида қатнашган ходимлар

➔ ҳаракатдаги армия таркибида ишлаган ёлланма ходимлар таркибидан бўлган шахслар

➔ 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида фашист концлагерлари (гетто ва зўрлик билан ушлаб туриладиган бошқа жойлар)да бўлган (тутқунлар, шу жумладан, болалар) шахслар

➔ Ленинград шаҳри қамали даврида шаҳарнинг корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида меҳнат қилган ва «Ленинград муҳофааси учун» медали ҳамда «Қамалдаги Ленинград фуқаросига» нишони билан тақдирланган шахслар

➔ 1956 йилнинг 24 октябридан 1956 йилнинг 10 ноябригача бўлган даврда Венгрия ҳудудидаги жанговар ҳаракатлар даврида ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар

➔ ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда ўз байналмилал бурчларини адо этган, тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибида иштирок этган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар ва Давлат хавфсизлик хизмати органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар ҳамда хизмат сафарига юборилган ишчи ва хизматчилар



*Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги 592-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом*



**50%**

Уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг **50 фоизи** миқдорида **устама ҳақлари** белгиланади.


Устама ҳақлар тайинланаётган пенсиянинг туридан қатъи назар қўшиб ҳисобланади.

*“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун*

## ДИҚҚАТ ҚИЛИНГ!

Пенсияга устама (қўшимча) ҳақ белгилаш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда, пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризага ариза берувчининг уруш қатнашчиси ёки унга тенглаштирилган шахс эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилиниши керак.

Уруш қатнашчиси ёки унга тенглаштирилган шахс эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат:



*1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчисининг гувоҳномаси*

*байналмилалчи жангчиларга бериладиган имтиёз олиш ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома*

*Уруш иштирокчисига тенглаштирилганлиги ни тасдиқловчи бошқа*



Пенсия тайинлаш бўйича ариза бериш хизматидан фойдаланиш учун QR-кодни сканерланг




# ! МАЪЛУМОТ УЧУН!

## Ёшга доир пенсия тайинлаш юзасидан давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Бажариш муддатлари
1-босқич	Мурожаат қилувчи (шахс ёки унинг қонуний вакили)	1. Пенсия тайинлаш юзасидан Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилади. 2. Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан рўйхатдан ўтган ҳолда пенсия тайинлаш бўйича сўровнома шаклини тўлдиреди.	Хохишига кўра  Мурожаат қилинганда
2-босқич	Давлат хизматлари маркази  Ягона интерактив давлат хизматлари портали	Сўровномани тўлдириб, электрон шаклда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда –Пенсия жамғармаси) бўлимига юбореди.  Сўровномани Пенсия жамғармаси бўлимига юбореди.	Сўровнома тўлдирилгандан сўнг 5 дақиқа ичида  Автоматик тарзда
3-босқич	Пенсия жамғармаси бўлими	1. Қонуний вакил пенсия олувчи шахснинг васийси ёки ҳомийси эканлигини ўрганиш учун Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига электрон шаклда сўров юбореди. 2. Мурожаатчининг оила аъзоларини (яқин қариндошларини) ўрганиш учун Адлия вазирлигига электрон шаклда сўров юбореди.	Сўровнома келиб тушганидан сўнг 5 дақиқа ичида
4-босқич	Пенсия жамғармаси бўлими	1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги мурожаат қилувчининг иш стажи, ойлик иш ҳақи ҳамда бошқа электрон шаклдаги маълумотларни ахборот тизимларидан олади ҳамда ушбу маълумотларга асосан пенсия тайинлаш ёки пенсия тайинлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. 2. Пенсия тайинлангани ёки пенсия тайинлаш рад этилгани ҳақидаги электрон шаклдаги маълумотларни Давлат хизматлари марказига юбореди. 3. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган фуқаронинг мобиль телефон рақамига пенсия тайинлаш рад этилганлиги ҳақида СМС-хабар ёки шахсий кабинетига хабар юбореди.	10 кун муддат ичида  Қарор қабул қилинганидан сўнг 5 дақиқа ичида  Қарор қабул қилинганидан сўнг 5 дақиқа ичида
5-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда рад этиш сабаблари тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади. 2. Пенсия тайинланган тақдирда пенсияни қачон ва қаердан олиш тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.	Маълумот олингандан сўнг 5 дақиқа ичида



“Шаҳар йўловчилар  
транспортдан бепул  
фойдаланишни тартибга  
солиш тўғрисида”ги Қонун




Афғонистон Республикасида  
ва бошқа мамлакатларнинг  
ҳудудидаги жанговар  
ҳаракатларда қатнашган собиқ  
байналминалчи жангчилар  
жумласидан бўлмиш фуқаролар  
шаҳар йўловчилар транспортдан  
(таксидан ташқари) бепул  
фойдаланиш ҳуқуқига эга!

## ДИҚҚАТ ҚИЛИНГ!

Шаҳар йўловчилар транспорт жумласига **автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен, йўналишли ва йўналишсиз таксилар** киради (“Шаҳар йўловчилар транспорт тўғрисида”ги Қонун 5-моддаси)



Шаҳар йўловчилар  
транспортда бепул юриш  
ҳуқуқини берувчи имтиёзли  
транспорт карталарини бериш  
бўйича давлат хизмати  
фойдаланиш учун QR-кодни  
сканерланг



## ! МАЪЛУМОТ УЧУН!

### Шаҳар йўловчилар транспортда (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш

#### СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-босқич	Мурожаат қилувчи ёки у ваколат берган шахс	<p>1. Имтиёзли транспорт картасини олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармаларига (кейинги ўринларда — ваколатли орган) келиб мурожаат қилади.</p> <p>2. ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва сўровнома шаклини тўлдиради.</p>	<p>1. Хоҳишига кўра</p> <p>2. Мурожаат қилинганда</p>
2-босқич	Ваколатли орган	<p>1. Имтиёзли транспорт картасини олиш учун мурожаат қилган шахс тегишли тоифага кириши тўғрисидаги маълумотларни Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг ахборот тизимлари орқали ўрганади.</p> <p>2. Ўрганиш натижасига асосан имтиёзли транспорт картасини бериш ёки уни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади ҳамда бу ҳақидаги маълумотни мурожаат қилувчига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади.</p> <p>Имтиёзли транспорт картасини бериш рад этилган тақдирда, маълумотда рад этиш сабабларини кўрсатади.</p>	Сўровнома тушганидан сўнг 2 иш куни мобайнида
3-босқич	Ваколатли орган	Имтиёзли транспорт картасини расмийлаштиради ҳамда уни мурожаат қилувчига топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборади.	Қарор қабул қилинганидан сўнг 1 иш куни мобайнида



Уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга темир йўлларда чипта тўлиқ қийматидан эллик фоиз чегирмалар билан йилига бир марта (бориш ва келишга) юриш ҳуқуқига эга




## ! МАЪЛУМОТ УЧУН!

Темир йўлларда чипта тўлиқ қийматидан эллик фоиз чегирмалар билан йилига бир марта (бориш ва келишга) юриш ҳуқуқига эга шахсларга, уларнинг хоҳишига кўра икки йилда бир марта икки йиллик талонлар (жорий ва олдинги ёки жорий ва кейинги йилги) ўрнига йилига бир марта бепул юриш (бориш ва келишга) тақдим қилинади. Бу ҳолда тўғри йўналишда бундай юриш «бориш» икки талони ўрнига, қайтишга эса — «Келиш» икки талони ўрнига расмийлаштирилади. Ушбу тартиб уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга чипта кассаларида навбатсиз чипта олиш ҳуқуқига эга





уруш қатнашчилари ва ногиронлиги бўлган шахсларга юқори тоифадаги вагонларга ўтказишда афзалликлар берилади

уруш қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга чипталар сотганлик учун воситачилик йиғимлари чипталарини расмийлаштиришда ундирилмайди



*Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш Қоидалари*



Мазкур Қоидалар билан lex.uz қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси орқали танишиб чиқиш учун QR-кодни сканерланг



Хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларга Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўлашда қуйидаги суғурта қилдирувчиларга суғурта мукофоти суммасининг 50 фоизи миқдорида сийлов берилади



Сийловлар *Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси* томонидан, суғурталовчининг суғурта мукофотига доир сийловни компенсация қилиш масаласи юзасидан *ёзма равишда мурожаати* олинган кундан эътиборан ўн беш календарь кун ичида қопланади

Уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар берилади

## ДИҚҚАТ ҚИЛИНГ!


Санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар икки йилда бир мартаба — навбат асосида берилади



Йўлланмалар 12 кунга (*муддати бошланишидан 10 кун олдин*) берилади.

Давлат хизмати Агентликнинг туман (шаҳар)лардаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари, Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими орқали ваколатли орган томонидан кўрсатилади

Санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш бўйича давлат хизматидан фойдаланиш учун QR-кодни сканерланг



## ! МАЪЛУМОТ УЧУН!

### Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш схемаси

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар	Йўлланма олиш учун Давлат хизматлари маркази ёки «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилиш ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш	Хоҳишига кўра
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази ёки «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази 2. Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими	Сўровномани ахборот тизимида шакллантириш ҳамда «ИНМА Sanatoriю» модулига юбориш	1. Сўровнома тўлдирилгандан кейин 10 дақиқа ичида 2. Автоматик тарзда
3-босқич	«ИНМА Sanatoriю» модули	1. Сўровнома тушганидан сўнг уни электрон реестрда қайд этиш. 2. Йўлланма бериш рад этилган тақдирда, рад этиш сабабларини тегишли Давлат хизматлари марказига, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида электрон тарзда юбориш. 3. Йўлланма расмийлаштирилган тақдирда, тегишли Давлат хизматлари марказига, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига, ЯИДХП ва «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида электрон тарзда юбориш.	1. Автоматик тарзда 2. Автоматик тарзда 3. Навбати келганда
4-босқич	1. Давлат хизматлари маркази ёки «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази 2. Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими	1. Йўлланма тушганидан сўнг уни кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон манзилига юбориш (мавжуд бўлганда) ва уларни бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилиш. 2. Мурожаатчи йўлланмани ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимидаги шахсий кабинетига юклаб олади. 3. Ўзи (ёки ишончли вакили) келиб мурожаат қилганда йўлланмани электрон ёки қоғоз шаклида бериш. 4. Йўлланма бериш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари тўғрисида кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни хабардор қилиш.	10 дақиқа ичида

Байналмилалчи-жангчилар юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхатига киритилган


Байналмилалчи-жангчилар Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхатига киритилган

Байналмилалчи-жангчилар вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзга эга бўлган шахслар рўйхатига киритилган



Байналмилалчи-жангчилар Тиббиёт муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилинадиган шахслар (беморлар) тоифалари рўйхатига киритилган

Байналмилалчи-жангчилар Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхатига киритилган



Байналмилалчи жангчилар  
амбулаторияда  
даволанишда дори  
воситалари билан  
имтиёзли таъминланиш  
ҳуқуқига эга бўлган  
шахслар тоифалари  
рўйхатиги киритилган



Амбулаторияда даволанишда шахсларнинг айрим тоифаларини дори воситалари билан имтиёзли таъминлаш дори воситаларини амбулатория-поликлиника муассасалари орқали ёхуд дориҳоналар орқали бериш йўли билан амалга оширилади.



Беморларга дори воситаларини имтиёзли бериш беморлар амбулатория тартибида даволанадиган амбулатория-поликлиника муассасасида даволовчи врачларнинг тайинлаши бўйича бепул берилади

Беморларга дори воситаларини имтиёзли бериш дориҳоналар томонидан бемор амбулатория тартибида даволанадиган амбулатория-поликлиника муассасасида даволовчи врач томонидан ёзилган имтиёзли бериш рецепти асосида бепул берилади.

Байналмилалчи жангчиларга амбулаторияда даволанишда имтиёзли  
берилиши лозим бўлган дори воситаларининг рўйхати

<b>Мия қон айланишини яхшиловчи восита</b>	
<i>Циннаризин</i>	таблетка 25 мг; 75 мг
<b>Сафро ҳайдовчи восита</b>	
<i>Аллохол</i>	таблетка
<b>Периферик нейромедиатор жараёнига таъсир қилувчи восита</b>	
<i>Доксазозин</i>	таблетка 1 мг; 2 мг; 4 мг; 8 мг
<b>Заҳарланиш ва интоксикацияда қўлланиладиган восита</b>	
<i>Уголь активированный</i>	таблетка 250 мг
<b>Спазмолитик восита</b>	
<i>Платифиллин</i>	таблетка 5 мг
	шамчалар 10 мг
<b>H-2 гистамин рецептор блокатори (ошқозон ярасига қарши)</b>	
<i>Фамотидин</i>	таблетка 10 мг; 20 мг; 40 мг
<b>Фермент восита</b>	
<i>Панкреатин</i>	таблетка (ичақда эрувчи қобиқ билан қопланган)
	капсула 150 мг; 300 мг
<b>Ич юмшатувчи воситалар</b>	
<i>А+Б Сеннозидлар</i>	таблетка 15 мг; 70 мг
<i>Бисакодил</i>	таблетка 5 мг
	шамчалар 10 мг
<b>Юрак гликозид воситаси</b>	
<i>Дигоксин</i>	таблетка 0,1 мг; 0,25 мг
<b>Седатив воситалар</b>	
<i>Корвалол</i>	ичиш учун томчилар 25 мл; 30 мл
<i>Валериана</i>	таблетка 20 мг; 200 мг
	настойка 25 мл; 30 мл; 40 мл; 50 мл
<b>Кардиоселектив бета адреноблокатор воситалар</b>	
<i>Атенолол</i>	таблетка 25 мг; 50 мг; 100 мг
<i>Бисопролол</i>	таблетка 1,25 мг; 2,5 мг; 5 мг; 10 мг
<b>3-гурӯҳ антиаритмик восита</b>	
<i>Амиодарон</i>	таблетка 200 мг
<b>Кальций каналлари блокатор воситаси</b>	
<i>Нифедипин</i>	таблетка 10 мг; 20 мг; 30 мг

Байналмилалчи жангчиларга амбулаторияда даволанишда имтиёзли  
 берилиши лозим бўлган дори воситаларининг рўйхати (ДАВОМИ)

<b>Антиангинал воситалар</b>	
Нитроглицерин ва унинг узоқ таъсирли шакли	таблетка 0,5 мг; 0,75 мг
Изосорбита монокитрат	таблетка 20 мг; 40 мг
<b>Калий ва магний препарат</b>	
Аспаркам	таблетка
<b>Антиагрегант воситалар</b>	
Дипиридамол	таблетка 25 мг; 75 мг
Ацетилсалициловая кислота	таблетка 50 мг; 75 мг; 100 мг; 150 мг; 250 мг; 300 мг; 500 мг
<b>Диуретик воситалар</b>	
Гидрохлортиазид	таблетка 25 мг; 50 мг; 100 мг
Фуросемид	таблетка 40 мг
<b>Ангиотензинга айлантйрувчи фермент ингибитор восита</b>	
Эналаприл	таблетка 2,5 мг; 5 мг; 10 мг; 20 мг
<b>Ноотроп восита</b>	
Пирацетам	таблетка 200 мг; капсула 200 мг; 400 мг; 800 мг; 1200 мг
	инъекция учун эритма 200 мг/мл 5 мл
<b>Транквилизатор восита</b>	
Феназепам	таблетка 0,5 мг; 1 мг; 2,5 мг
<b>Антибиотик воситалар</b>	
Ампициллин	инъекция учун кукун 0,5 г; 1 г
	таблетка 250 мг; 500 мг
Цефазолин	инъекция учун кукун 0,5 г; 1 г
Азитромицин	таблетка 250 мг; 500 мг; капсула 250 мг; 500 мг
<b>Сульфаниламид восита</b>	
Нитроксолин	таблетка 50 мг
<b>Фторохинолон восита</b>	
Ципрофлоксацин	таблетка 250 мг; 500 мг; 750 мг
	кўз томчилари 0,3% 5 мл

Байналмилалчи жангчиларга амбулаторияда даволанишда имтиёзли  
 берилиши лозим бўлган дори воситаларининг рўйхати (ДАВОМИ)

<b>Буйрак усти беги гормонлари ва глюкокортикоид воситалар</b>	
Беклометазон	ингаляция учун аэрозоль (1 доза) 100 мкг ёки 250 мкг
Преднизолон	таблетка 5 мг; 10 мг; 20 мг; 40 мг
	суртма 0,5% 10 г; 15 г
<b>Миотроп спазмолитик воситалар</b>	
Дротаверин	таблетка 40 мг; 80 мг
Аминофиллин	таблетка 150 мг; 300 мг
<b>Офтальмологияда қўлланиладиган воситалар</b>	
Таурин	кўз томчилари 4% 5 мл; 10 мл
Тимолол	кўз томчилари 0,25%; 0,5% 5 мл; 10 мл
Пилокарпин	кўз томчилари 1% 5 мл; 1% 8 мл; 2% 10 мл; 4% 10 мл
<b>Яллиғланишга қарши ностероид воситалар</b>	
Кетопрофен	капсула 50 мг; 150 мг; 200 мг
	гель 2,5% 30 г; 50 г
	крем 2,5%; 5% 30 г; 50 г
	шамчалар 100 мг
Диклофенак	таблетка 25 мг; 50 мг; 75 мг; ретард таблетка 100 мг
	инъекция учун эритма 25 мг/мл 3 мл; 75 мг/3 мл
	гель 1% 15 г; 20 г; 25 г; 30 г; 40 г
<b>Нонаркотик анальгетик воситалар</b>	
Метамизол натрия	таблетка 500 мг; инъекция учун эритма 25%; 50%; 2 мл
Парацетамол	таблетка 200 мг; 500 мг
<b>Антигистамин воситалар</b>	
Хлорпрамин	таблетка 25 мг
Кетотифен	таблетка 1 мг, сироп 0,2 мг/мл 125 мл
<b>Маҳаллий оғриқсизлантирувчи воситалар</b>	
Прокаин	инъекция учун эритма 0,5% 1 мл; 2 мл; 5 мл; 10 мл
<b>Балғам кўчирувчи восита</b>	
Бромгексин	таблетка 8 мг; 30 мг

Уруш ногиронлари  
ва қатнашчиларига  
тенглаштирилган шахсларга уй-  
жой-коммунал хизматлар  
ҳақини тўлаш бўйича пенсияни  
ҳисоблаш базавий миқдорининг  
45 фоизи миқдорида ойлик  
компенсация пул тўловлари  
тўлаб берилади



Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ, уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари жами даромад таркибига киритилади ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси орқали пенсия ва нафақалар тўланадиган тартиб ва муддатларда тўланади.



Бунда, Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан пенсия олувчи пенсионерларга компенсациялар пенсияларни тўлаш муддатларида пенсия тайинланган ташкилот орқали тўланади.



Меҳнат қонунчилигага мувофиқ берилган имтиёзлар қуйидагилар:

Биринчи иш йили учун ҳар йилги меҳнат таътилини олти ой ўтгунига қадар имтиёзли асосда олиш ҳуқуқига эга

Технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгаришига, ишлар ҳажмининг қисқаришига боғлиқ бўлган ташкилот, яқка тартибдаги тадбиркор ходимларининг сони (штати) ўзгарганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббуси билан бекор қилинганда ишда қолдиришга доир имтиёзли ҳуқуққа эга

Иккинчи ва кейинги иш йиллари учун ҳар йилги меҳнат таътили Ходимнинг хоҳишига кўра унга қулай бўлган вақтда берилади

иш стажининг давомийлигидан қатъи назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси олиш

Ходимнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмайдиган таътил мажбурий тартибда ҳар йили ўн тўрт календарь кунгача берилади



ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади



Солиқ қонунчилигага мувофиқ берилган имтиёзлар қуйидагилар:

уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар солиқ солишдан қисман озод этилади.

Хусусан: даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича озод этилади.



уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғидан озод этилади



уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар мулкида бўлган мол-мулк солиғидан озод этилади



**Фойдаланилган асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни;
4. Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида” Қонуни;
5. Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги Қонуни;
6. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5597-сон Фармони;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-3214-сон Фармони;
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 592-сон қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 сентябрдаги “Шаҳар йўловчилар транспортда айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 507-сон қарори;
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортда йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 109-сон қарори;
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 141-сон қарори;

**13.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги “Аҳолига санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш соҳасига ахборот-технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги 693-сон қарори;

**14.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги “Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 48-сон қарори;

**15.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 31-сон қарори;

**16.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги “Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 145-сон қарори;

**17.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги “Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 204-сон қарори;

**18.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 8 ноябрдаги “Амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 27 ва 103-сонли қарори (2013 йил 13 ноябрь, рўйхат рақами 2522);

**19.** Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 30 ноябрдаги “Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 102-сон буйруғи (2010 йил 30 декабрь, рўйхат рақами 2175);

**20.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдаги “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 21-сон буйруғи (2002 йил 8 май, рўйхат рақами 1136).





